

Qishloq hayoti

УСТУВОР ЛОЙИХАЛАР ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йўналиш ўтказди.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда. Инвестиция муҳити тобора яхшиланиб, ишбилармон доиралар юртимиздаги лойиҳаларга катта қизиқиш билдирмоқда. Халқаро молия институтлари, ривожланган давлатлар ва йирик компаниялар иқтисодий-ижтимоий соҳаларга сармоя киритмоқда.

Жорий йилнинг ўзида Германия Федератив Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар раҳбарлари билан олий даражада мулоқотлар бўлиб ўтди. Улар доирасида sanoat, energetika, infратузилма, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда муҳим келишувларга эришилди.

Ҳар бир хорижий шерик билан қўшма лойиҳалар ижросини таъминлаш учун Президент қарорлари асосида "йўл хариталари" тасдиқланди.

Жорий йил 8 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги барча лойиҳалар тўртта рўйхатга ажратилиб, биринчи рўйхатдаги энг муҳим стратегик лойиҳалар Президентнинг доимий назоратида бўлиши белгиланган эди.

Йиғилишда ана шундай устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши атрофлича таҳлил қилинди.

— Инвестициялар иқтисодиёт ривожини, халқимиз ҳаёт сифатини ва фаровонлигини таъминлайдиган асосий манбалардан биридир,

— деди давлатимиз раҳбари. — Ривожланган давлатлар билан муносабатларимиз янги bosқичга кўтарилганидан келиб чиқиб, янада фаол ва тизимли ишлашимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Инвестициялар ва ташқи savдо вазирлиги тизимига шу соҳа учун масъул вазирнинг биринчи ўринбосари лавозими киритилди. Ҳар бир мамлакат билан ишлаш бўйича aloҳида бошқармалар ташкил қилинди. Бундан ташқари, мутасадди раҳбарлар бошчилигида махсус ишчи гуруҳлар тузилди.

Йиғилишда хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳалар бўйича олиб борилган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари тинганди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати жуда сустлиги, улкан молиявий имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Эришилган келишувлар ва қўшма лойиҳалар ижросини ўз вақтида ва сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, иш ўринлари яратиш, халққа фойда келтирадиган, иқтисодий самарадор янги лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Тараққий этган мамлакатларда инвестициялар жалб этиш бўйича тажриба Бирлашган Араб Амирликлари мисолида кўриб чиқилди. Энг замонавий ёндашув ва иш юритиш услубларини соҳа ва тармоқларимиз фаолиятига жалб этиш, ушбу мамлакатдан

мутахассислар таклиф этган ҳолда ёки онлайн тарзда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида малака ошириш ва тажриба ўрганишни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди, бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, Тошкент шаҳрида замонавий sanoat қорхоналари ташкил этишга қаратилган ишлар ижроси ҳам таҳлил қилинди. Бу лойиҳалар шаҳарнинг mavjud инфратузилмасидан самарали фойдаланган ҳолда бозорбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш, айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш жиҳатидан муҳимлиги қайд этилиб, уларни тезроқ ишга тушириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш масаласига aloҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари инвестиция соҳасига доир қонунчилик халқаро нормаларга муvофиқлаштирилиши, улар ҳар бир инвесторга ишонч ва кафолат бўлиб хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда берилган топшириқлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2016-2018 йилларда ипотека кредити амалиётининг кенгайиши 82 мингдан ортиқ уй-жойларнинг фойдаланишига топширилишини таъминлади, бунинг натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги 400 мингга яқин фуқаролар турар жой шароитларини яхшилашга эришди.

Қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар, ёш oilаларга, ҳарбий хизматчиларга, бюджет ташкилотлари ходимлари ва аҳолининг бошқа тоифалари учун уй-жойлар қуриш бўйича давлат мақсадли дастурларини (кейинги ўринларда — мақсадли дастурлар) изчил амалга ошириш давом этмоқда. Мазкур мақсадлар учун республиканинг тижорат банклари томонидан жами 10 триллион сўмдан ортиқ ипотека кредитлари берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз уй-жой секторини ривожлантириш зарурати ипотека кредитларини тақдим этиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг барча қатламлари учун бозор тамойиллари асосида ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўришни талаб этмоқда.

Аҳолининг турмуш даражасини изчил ошириш, ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш sanoati ва қурилиш индустриясини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар ва рағбатлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Осий тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ОТБ) билан биргаликда Ўзбекистонда ипотека бозорини ривожлантириш дастурини 2019-2021 йилларда амалга ошириш концепцияси ишлаб чиқилганини, унинг доирасида бозор тамойиллари асосида узоқ муддатли барқарор ипотека молиялаштириш тизимини яратиш учун ОТБ томонидан 200 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағлари ажратиш назарда тутилганини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги, Марказий банки ва тижорат банкларининг:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бошланғич устав капиталли миқдори 25 миллиард сўм бўлган акциядорлик жамияти шаклидаги **Ипотекани қайта молиялаштириш компаниясини** (кейинги ўринларда — Компания) таъсис этиш;

республика тижорат банклари ва бошқа юридик шахсларга ихтиёрий равишда Компаниянинг таъсисчилари бўлиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

(Давоми 2-саҳифада)

Мамлакатимизда Хитой Халқ Республикаси Бош божхона таъмурияти бошлиғи ўринбосари Ли Го бошчилигидаги делегация ташриф билан бўлди. Ташриф доирасида делегация аъзолари 13 май куни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти билан учрашди.

БОЖХОНА СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мулоқот чоғида сўнги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида savдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик aloқалари тобора faoллашаётгани таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро savдо айланмаси ҳажми 2018 йилда 1,9 миллиард АҚШ долларини, 2019 йилнинг ўтган 4 ойи давомида қарийб 837 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткичларни мамлакатларимизнинг ишга солинмаган имкониятлари ҳисобига янада ошириш мумкин.

Хусусан, "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасидаги ҳамкорлик ўзаро savдо ва инвестициявий aloқаларни мустаҳкамлаш, янги транспорт ва логистика йўлақлари яратилишини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Лойиҳа доирасида Ўзбекистон томони "Яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш ташаббусини илгари сурмоқда.

Қайд этилганидек, бу, аввало, сёрқуёш заминимизда етиштирилаётган сархил мева-сабзавотларнинг Хитой бозорларига эмин-эркин кириб боришига йўл очади.

Mavjud salohiyatдан unumli fойдаланиш ва имкониятлар кўламини кенгайтириш Ўзбекистон ва Хитой божхона хизматлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришни тақозо этади.

Икки мамлакат божхона хизматлари ўртасида имзоланган Божхона соҳасида ўзаро кўмак тўғрисида битим, Божхона статистикаси соҳасида ахборот ҳамкорлиги тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Хитой Халқ Республикаси Бош божхона таъмурияти ўртасида маълумот алмашувини йўлга қўйиш тўғрисидаги баённома ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Учрашувда ушбу ҳужжатларда акс этган ҳамкорлик шартларининг тўлақонли равишда бажарилишига оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳужжатларнинг ҳаётга самарали жорий этилиши ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона соҳасидаги қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш, ташқи savдо статистикасидаги номутаносибликларни тезкорлик билан бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг чегара божхона постларини замонавий техник-назорат, шу жумладан, катта ҳажмли юк автотранспорт воситаларини сканерловчи инспекцион-қўрик мажмуалари билан жиҳозлашда Хитойнинг иштирокига юқори баҳо берилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Навоий вилояти
Тадбиркор Шарофат Кенжаева томонидан "Бўлакработ" маҳалласидаги эски боғча биноси ўрнида қад ростлаган, барча шароитларга эга "Дона болажон" номили 60 ўринли МТМ болажонлар учун муносиб туҳфа бўлди.



Ёш авлод учун муносиб туҳфа

Қизилтепада шк давлат хусусий шерикчилиги асосида нодавлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди

— Туманимизда 11258 нафар боғча ёшидаги бола бор, — дейди туман мактабгача таълим бўлими мудири Маъруф Шарипов. — Айни пайтда уларнинг

3400 нафарга яқини, яъни 30 фоизи мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган. Жорий йилнинг ўтган даврида 7 та давлат, 3 та oilавий боғ-

ча фойдаланишга топширилди. Йил якунига қадар инвестиция дастури асосида яна 6 та боғча реконструкция қилинади.

(Давоми 4-саҳифада)

УСТЮРТ ПЛАТОСИ ВА ТАРИХИЙ ИПАК ЙЎЛИ

Ўзбекистон 2016 йилдан амалга оширилаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан илгари сурилган 17 барқарор ривожланиш мақсадларининг (БРМ) 16 тасига қўшилди, холос. "Денгиз экотизимларини асраш" деб номланган 14 мақсадга қўшилишдан фойда йўқ, деб ҳисобланди. Чунки Марказий Осий республикалари, хусусан, Ўзбекистоннинг иқлимини мўътадиллаштирилиб, минглаб одамлар, ҳайвон ва ўсимликларга жон баҳшида этиб турган Орол денгизи инсонлар хотирасида ўтмишга айланди. Марказий Осийнинг Минтақавий экологик маркази (МОМЭМ) томонидан Европа Иттифоқи молиявий кўмагида амалга оширилаётган "UzWaterAware" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши, "Ўзгидромет" мутахассислари, журналистлар иштирокида Оролбўйи ҳудудлари ва Орол денгизига медиатор ташкил этилди. Асосий мақсад, Орол денгизи фожвасини нафақат яна бир маротаба одамларга эслатиш, балки бугунги кунда сувсизликнинг қийин шароитларида Оролбўйи аҳолисининг турмуш шароити, аҳоли фаровонлигини оширишда амалга оширилетган ислохотлар билан танишиш ҳам эди.

Қорақалпоғистон диёрига кўп маротаба борган бўлсамда, Оролни кўриш болалигимдан оқ орзум эди. Нукусга кечки рейс билан учиб келиб, қорақалпоқ халқининг миллий анъаналари руҳида безатилган



(1-мақола)

"Жипек жולי" меҳмонхонасига жойлашдик. — Бу бежиз эмас, — деди МОМЭМ жамоатчилик билан aloқалар бўлими мутахассиси Резида Эрдман. — Чунки эртага йўлимиз айнан тарихий Ипак йўли бўйлаб ўтади.

Ҳақиқатан ҳам 200 километр ортага чекинган Орол денгизига йўл (агарда уни шундай деб аташ мумкин бўлса) Устюрт кенгликларига узра ўтган эди. Археолог, тарих фанлари номзоди Октябр Дуспанов йўлбошчилигидаги 12 та уллов йўлда учраган юморноқозигу қушларни чўчитганича Орол денгизи киркоқларига интилар экан, атрофдаги сокинлик, шувоқнинг ўткир ҳиди тутган кенгликларда бундан минг йиллар илгари яшаб ўтган сак, массагет қабила-лари руҳи уйғонгандек эди гуё. Устюрт платосигача бўлган худуд ҳам бундан минг

йиллар илгари денгиз туби бўлган. Аммо денгиз чекиниши билан одамлар тириклик манбаи бўлган Оролнинг ортидан кетишган. Бу ерлар Кўнғирот тумани худудига тегишли бўлгани сабабли, бизни туман хокимининг ўринбосари Бахтиёр Камалов йўлда кутиб олди. Ундан кўпроқ маълумот олишга шошилдик.

— Кўнғирот тумани Қорақалпоғистон Республикасининг 46 фоиз майдонини, Ўзбекистоннинг эса 12 фоизини ташкил этиб, республикамизнинг ҳам энг катта туманларидан биридир. Унинг майдони 7 миллион 600 минг гектарга эга бўлиб, Устюрт пасттекислиги ва бундан 1000 йиллар аввал mavж урган собиқ Орол денгизи майдонларини ҳам қамраб олади. Худудда умумий 41 минг гектардан ортиқ майдон суғорилади ва асосан пахта, шoли, саб-

завотлар ва полиз экинлари каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Туман аҳолиси 126 минг 800 нафардан iborat бўлиб, турли миллат вакиллари яшайди. Туямўйин сув омборидан келаётган ичимлик суви билан аҳолининг 70 фоизи таъминланган ва аҳолини янада яхшилашга ҳаракат қилмоқдамиз. Албатта ерлар шўроқ бўлгани учун сувдан мақсадли фойдаланиш учун уни тежовчи технологиялардан фойдаланимоқдамиз. Орол денгизи муаммоси аҳоли ҳаётига салбий таъсир кўрсатганлиги сабабли, денгизнинг суви қуриган ерларига саксовул экилмоқда. Газ етмайдиган қишлоқ жойларга газ баллонлари етказишга ҳаракат қилмоқдамиз. Саксовул "Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби"га киритилгани сабабли уларни аҳоли томонидан кесиб кетилишининг олдини олишга ҳаракат қилинмоқда.

Кўнғирот туманининг энг машҳур қисми — Устюрт пасттекислигига ўтганимизда кўз олдимизда ажойиб манзара ҳосил бўлди. Кўз илгамас кенглик яшилликка бурканган.

Октябр аканинг айтишича, Устюрт платоси 200 000 км² майдонга эга бўлиб, текислик 6 миллион 700 йил илгари жаҳон океани тубида пайдо бўлган. Худуд гарб ва шимол шамолларининг кесилган жойидир. Унинг деворлари — чинкларни узоқдан кўриш мумкин. Деворлар турли хил рангга эга — оч сариқдан, ним яшил, кўнғир тусгача. Айнан уларнинг нураган жойлари худди ўзга сайёрага ўхшаб каньонларни ҳосил қилган.

(Давоми 4-саҳифада)

(Боши 1-саҳифада)

Куйдагилар Компаниянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг (кейинги ўринларда – ХМИ ва ХХМТ) маблағларини жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш;

аҳолининг арзон уй-жойларга ўсиб бораётган эҳтиёжини қаноатлантириш учун бозор тамойиллари асосида тижорат банклари (кейинги ўринларда – ХМИ ва ХХМТ) маблағларини жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш;

шумладан, ипотека қимматли қозғаларни чиқариш ва уларни инвесторлар орасида жойлаштириш;

ипотека кредити тизимини такомиллаштиришга қўмаклашиш, ипотека бозорини ривожлантиришнинг замонавий услублари ва воситаларини татбиқ этиш, ипотека кредити ва ипотека қимматли қозғалар бозоридида хавфларни камайтириш ва ликвидлигини ошириш; ипотека кредити ва қайта молиялаштириш соҳасида, шу жумладан, хорижий эксперт ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда методологик ва норматив-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч ой муддатда Компания фаолиятини ташкил этишга техник қўмаклашиш (грант) маблағларини ажратиб масаласини ОТБ билан кўриб чиқсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Компания томонидан ипотека кредитларини қайта молиялаштириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Компания акциядорлар маблағларини ҳамда ХМИ ва ХХМТнинг қарз маблағларини, шунингдек, қимматли қозғалар чиқариш орқали маҳаллий ва халқаро капитал бозорларидаги узоқ муддатли ресурс маблағларини жалб этади;

б) Компания жалб қилинган маблағларни Компания томонидан ўрнатилган малакавий талабларга мос келувчи тижорат банкларига кредит ресурсларини ажратиш йўли билан қайта молиялаштирилади;

в) тижорат банклари Компания томонидан белгиланган шартларда қарз олувчиларга ипотека кредитларини тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРINI РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

г) тижорат банклари ипотека кредитлари, ипотека шартномалари бўйича талаб ҳуқуқларидан ёки гаров хатлари бўйича ҳуқуқлардан Компания фойдасига воз кечади;

д) Компания тижорат банклари билан ҳуқуқлари аввал Компанияга ўтказиб берилган ипотека кредитига хизмат кўрсатиш шартномасини ёки гаров хатларини ишончи бошқарува бериш шартномасини тузади;

е) тижорат банклари қарз олувчилар ва ипотека берувчилар томонидан кредит шартномалари ва ипотека шартномаларининг Компания фойдасига лозим даражада бажарилишини таъминлайди.

Компания томонидан ипотекани қайта молиялаштиришнинг қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шакллари ҳам татбиқ этилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикасида 2019-2021 йилларда ипотека кредити тизимини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

а) 2020 йил 1 январдан бошлаб, мақсадли дастурлар ижроси доирасида куйидагилар назарда тутилган янги шартларда ипотека кредитлари ажратиш:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан иштирок этувчи банкларга ажратилаётган кредит ресурслари ҳамда аҳолига берилаётган ипотека кредитлари бўйича имтиёзли даврни 1 йилгача қисқартириш;

кредитдан фойдаланишнинг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фойз

ставкасини қатъий белгиланган 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида белгилаш;

ипотека кредитлари фойзаларини аннуитет тўловлари формуласи бўйича ҳисоблаш тартибин татбиқ этиш (ойлик тўлов асосий қарз қолдиғига ҳисобланган фойзалар бўйича тўлиқ тўловни ҳамда кредитнинг бир қисмини ўз ичига олади, бу шундай ҳисоблашни назарда тутадими, ҳар ойлик барча тўловлар кредит тўлашнинг бутун даврида бир хил бўлади);

б) қонун ҳужжатларида белгиланган малакавий талабларга жавоб берадиган юридик шахсларга мақсадли дастурларни амалга оширишда буюртмачи ёки бош пудратчи сифатида қатнашиш ҳуқуқини бериш;

в) мақсадли дастурларни амалга оширишда иштирок этаётган тижорат банклари сонини ошириш;

г) мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида уй-жойлар ва квартираларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун кредитлар бериш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида уй-жойларни харид қилишга талабдор жисмоний шахсларни уй хўжаликларининг даромади, қурилиш майдони, кўчмас мулк қиймати нархлари ва бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда танлаб олишнинг янгилигини тартиби ва мезонларини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. 2020 йил 1 январдан бошлаб мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи бўйича амалдаги имтиёзлар бекор қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 декабрга қадар мақсадли дастурларни амалга ошириш самардорлигини ҳар томонлама баҳолаш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида куйидагилар бўйича тақлифлар киритсин:

а) куйидагиларнинг амал қилишини бекор қилиш:

бош пудрат ташкилотлари, пудрат ташкилотлари ва субпудрат ташкилотларига, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва автотранспорти ишлаб чиқарувчи ташкилотларга, шунингдек, уларни ташишда қатнашадиган ташкилотлар, ишлар (хизмат) кўрсатиш корхоналари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, транспорт корхоналари, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ, “Ўшаҳар қурилиш инвест” ИК, “Қишлоққурилиш лойиҳа” МЧЖ, “Ўзсаноатэкспорт” АЖ ҳамда “Тошкент қишлоқ қурилиш сервис” МЧЖга берилган солиқ имтиёзлари (қўшилган қиймат солиғидан ташқари);

жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар;

б) яқка тартибдаги уй-жой ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати 300 миллион сўмдан ошмаган тақдирда, олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фойзаларни қоплаш учун йўналтириладиган ва солиқ солинадиган жисмоний шахслар ва улар оила аъзоларининг (бирга қарз олувчилар) жами 15 миллион сўмгача бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммаси солиқ даври давомида жисмоний шахслардан

олинадиган даромад солиғига тортилмаслигини кўзда тутувчи тартибни ўрнатиш;

в) бекор қилинаётган солиқ имтиёзлари ўрнига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож шахслар ва қонун билан белгиланган фуқароларнинг бошқа тоифаларига ипотека кредити фойзаларни тўлаш учун субсидиялар бериш.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А.Қўқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Г.К.Саидова медиа-режани тасдиқласин ва аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини, хусусан ипотека кредитлари беришнинг янги шартлари ҳамда мазкур Фармонда кўрсатилган бошқа масалаларни ёритиш бўйича мавзуга оид студиядаги ва сайёр туркум телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкиллаштирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида бошқарув ходимларининг 12 та штат бирлигини қўшимча ажратган ҳолда Арзон уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурларини мувофиқлаштириш ва молия бозори воситаларини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилсин.

Бошқарманинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин: мақсадли дастурлар ижроси самардорлигини таҳлил қилиш ва мониторингида иштирок этиш, улар бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

мақсадли дастурларни амалга ошириш тадбирларини молиялаштириш таъминлаш, ипотека кредити бозорини ривожлантиришга ХМИ ва

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 13 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

БОЖЖОНА
СОҲАСИДА
ЎЗБЕКИСТОН –
ХИТОЙ АЛОҚАЛАРИ
РИВОЖЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Ҳозирги кунда мамлакатимиз божжона постларида фаолият юритаётган 17 та инспекцион-кўрик мажмуасининг 8 таси Хитой ҳукуматининг турли грантлари асосида жиҳозланган.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон юк ташувчи миллий автотранспорт воситаларининг Хитой ҳудудига кириб-чиқишида қулайликлар яратиш, ушбу давлат ҳудудига юк ташишда юзага келаяётган муаммоларни Халқаро юк ташиш тўғрисидаги божжона конвенцияси талаблари асосида бартараф этиш масалалари юзасида расмий алмашилди. Божжона органлари учун кадрлар тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини оширишда икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Куннинг иккинчи ярмида Хитой делегацияси пойтахтимиздаги “Чукурсой” ташқи иқтисодий фаолият божжона постида бўлиб, бу ерда жорий қилинган қулайликлар, божжона экспертизасининг амалга оширилиш жараёни билан яқиндан танишди.

Шу ерда меҳмонларга 2019 йилнинг 1 мартдан бошлаб тўлақонли равишда амалиётга татбиқ қилинган юкларни божжона расмийлаштирувдан ўтказишда “яшил”, “сарик”, “кўк” ва “қизил” йўлаларга йўналтирувчи автоматлаштирилган Хавфни бошқариш тизими ҳақида ахборот берилди.

Ташриф доирасида делегация аъзолари Сирдарё эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган “Пенг-Шен” қўшма корхонасида бўлди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги энг йирик лойиҳаларидан бири бўлган ушбу корхонага 2009 йилда асос солинган. Унинг муассислигида Сирдарё туманида қатор ихтисослаштирилган қўшма корхоналар ташкил этилган. Уларда 1 минг 500 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

Меҳмонлар лойиҳа таркибидега керамика кафелларини ишлаб чиқариш корхонаси ва иссиқхоналар фаолияти билан яқиндан танишди.

УЗА

Анджон вилояти

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган ушбу битик ҳамон яшовчан. Деҳқонки, ерининг қуввати баланд бўлишини истайдди. Қувватли ер ҳеч қачон эгасига панд бермайдди. Улуғнор туманидаги “Дилшод” фермер хўжалигида ғалла ва пахта ҳосилдорлиги ҳамини барқарорки, натижалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдди.

Ердан ернинг фарқи бор,

ЎТТИЗ ИККИ ХИЛ НАРХИ БОР

Чўл ҳудудига фаолият юритаётган ушбу хўжаликнинг натижалари ҳавасга арзғулик даражада эканлигининг сирини нимада?

Хўжалик раҳбари Абдулхофиз Ҳожиқулов йигитлик чоғида Марказий Фарғонанинг Сарсонқум массивида ташкил этилган хўжаликда иш бошлаган. Эндигина ўзлаштиришга киришилган ҳудудда гектаридан 15 центнердан пахта етиштириш қаҳрамонлигига тенг бўлганлигини фермер ёшлар даврасида ёдга олиб туради. Сўнгги ўн йилликда у ҳосилдорлик борасида туманда олдинги сафда бормоқда.

– Ҳосил кўчатдан чиқади, шўрланган далада кўчат ҳеч қачон бут бўлмайди, – дейди фермер. – Бугун деҳқончиликда эришаётган ютуқларимиз замирида сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг ўрни алоҳида. Аввало, ер ости сувларини пасайтиришга берилаётган аҳамият салмоғи ортмоқда. Зовурларни тизимли равишда тозалашга бўлган эътибор эвазига ер ости сувларининг қурилиши кескин камаймоқда. Қолаверса, сувдан оқилона фойдаланиш учун яратиб берилаётган шароитлар туфайли экинлар парваршишида исрофгарчилик қисқармоқда.


Абдулхофиз Ҳожиқуловнинг фикрларини бошқа ҳамкасблари ҳам кўп бор таъкидлаётганига гувоҳ бўлиб тураемиз. Вилоят деҳқончилигининг келажаги, деб ҳисобланадиган Улуғнор туманида ирригация-мелиорация йўналишида амалга оширилган ўнлаб лойиҳалар деҳқончилик маданиятини кўтаришга хизмат қила бошлади. Чуночки, Мингчинор, Анджон, Истиклол, Дўстлик массивларида ғалла ва пахта ҳосилдорлиги 8-10 центнергача кўтарилди. Анча йиллардан буюн пахта тайёрлаш режаси бажарилмаётган ушбу туманда ўтган йили мавсум ҳар қачонгидан кўра барокатли бўлди.

Фермерларнинг ютуқлари янада бисёр бўла-

ётганлигини Бўз, Балиқчи, Оптикўл, Жалақудук, Қўрғонтепа туманларида ҳам кўрдикки, ўша ҳудудларда дренаж тармоқларини таъмирлаш, зовурларни тозалаш, сув тақсимлаш иншоотларини реконструкция қилиш, энг муҳими, хўжаликлараро каналларни бетонлаштириш ишлари натижалари ўз самараларини бера бошлади.

“Анджонсувқурилишнинг” давлат унитар корхонаси берган маълумотларга қараганда, биргина 2018 йилда ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 14 та лойиҳа ўтувчи объектлардир. 19,4 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг сув таъминотини яхшилашга қаратилган ишларга марказлаштирилган қўйилмалар ҳисобидан 54 миллиард 722 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Мазкур лойиҳаларни рўйбга чиқаришда бош пудратчи бўлган “Анджондавсувмаҳсуспудрат”, “Улуғнордавсувмаҳсуспудрат”, “Жалақудукдавсувмаҳсуспудрат” давлат унитар корхоналари, “Гидроспецмонтаж” ва “Хаконват инвест” МЧЖ жамоалари фаоллик кўрсатди ва объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишди.

Коллектор тармоқларини тизимли таъмирлаш ва тиклаш дастури бўйича 16 та лойиҳа ўз ижросини топди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан ажратилган 18,5 миллиард сўм маблағ тўла ўзлаштирилди. Натيجида 21 километрдан зиёд узунликдаги ёпиқ-ёпиқ зовурлар ювилди 45 дона мелиоратив тик, 16 та кузатув қудуқлари



Анджон туманидаги хўжаликлараро “Қайрма” ва “Совуқбулоқ” коллекторларидаги авария ҳолатларини бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар бажарилди. Хонадонларга сезиларли салбий таъсир этаётган ер ости сувлари пасайишининг бартараф этилишидан барча хурсанд бўлганлигини ҳис этдик.

“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар натижасида 29 километрдан зиёд узунликдаги зовурлар тозаланди. Бу борадаги ишлар режа асосида давом эттирилмоқда.

“Боғишамол” ҳудудида Анджон шаҳридаги кам таъминланган оилалар учун замонавий турар жой мажмуаси барпо этилмоқда. Худуднинг шарқий томони адирларга туташган бўлиб, кучли ёгингарчиликлар юз берган тақдирда сел келиш эҳтимоли бор. Шу кунларда “Анджондавсувмаҳсуспудрат” ДУК мутахассислари ва ишчилари 7,2 километр узунликдаги, сифими сониясига 2 метр куб бўлган сел сувики ташламага етказадиган бетонлашган ариқ қурилишини поёнига етказмоқдалар. Раҳмонжон Юсупов раҳбарлик қилаётган участка ишчилари томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳа айни вақтда худуд ободончилиги учун ҳам асқотади.

Ишга туширилганга 90 йил бўлаётган “Савай” канали орқали Қўрғонтепа, Жалақудук, Хўжаобод ва Булоқбоши туманлари далаларига сув етказиб берилади. Сўнгги йилларда Хўжаобод ва Булоқбоши туманларига белгиланган меъёрдаги обихаётни етказиб беришда қийинчиликлар юз бера бошлади. Бу кетиклик-

ХХМТ маблағларини жалб этишда иштирок этиш;

молиявий институтлар билан ҳамкорликда қимматли қозғаларни ва молиявий воситаларни тартибга солиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, илғор жаҳон тажрибасини ва корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини инobatга олган ҳолда тақлифлар тайёрлаш;

мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, белгиланган тартиб-таомиллар ва қўлланилаётган механизмлар тўғрисида жамоатчиликни кенг хабардор қилишни ташкил этиш.

13. 2019 йил 1 январга қадар қурилишга рухсат этилган уй-жой фонди объектларини (2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурига, 2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурига киритилган объектлар бундан мустасно) бирламчи уй-жой бозоридида реализация қилиш обороти 2020 йилнинг 1 январига қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 2-илоvasи 3-банди “б” кичик бандида назарда тутилган ўзгартириш 2019 йил 1 октябрдан кучга киради.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

Наманган вилояти

Истиқлолнинг илк йилларида Мингбулоқ тумани ҳудудида нефть кони топилгани кўпчилиكنинг ёдида бўлса керак. Ўша кунлари оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзуси ҳам кон кўзидан кўкка отилаётган "қора олтин" эди. Эндигина мустақилликка эришган, қийинчиликларни енгиб ўтишга чоғланаётган юртдошларимиз учун бу воқеа ростмана хурсандчилик эди.

Орадан бироз вақт ўтиб, озошликка чиққан жин қайтиб хумига тушиб кетгани каби кондаги нефть ҳам ғойиб бўлди. Одамларнинг ҳафсаласи пир бўлди. "Нефть қочиб кетибди, энди бошқа давлатнинг ҳудудидан чиқар экан" қабилдаги узунқоқ миш-мишлар урчигандан урчиди.

Аслида Мингбулоқ нефть кони ўтган асрнинг 60 йилларида Фарғона геофизика экспедицияси томонидан амалга оширилган тадқиқотларда маълум бўлган. Бу ҳақда нефтьгаз соҳасининг етук олим, профессор Акбар Раҳимов "Ўзбекистон нефть-газ кончилари қиссаси" китобида шундай ёзади: "Мингбулоқ майдонида геофизика ишлари 1965-1968 йилларда Фарғона геофизика экспедицияси томонидан амалга оширилган. Геофизика усули билан белгиланган ер ости дўнглигида (антиклинал) нефтьнинг бор-йўқлиги чуқур скважиналар ёрдамида аниқланиши мумкин. Лекин, пармалаш иншооти жуда қimmat бўлганлиги сабабли, рухсат олиш жиддий муаммо бўлган. Собиқ иттифоқ даврида ҳар бир чуқур қидирув скважинаси учун СССР нефть саноати вазирлиги ёки Геология вазирлигининг рухсатини олиш лозим эди.

Мингбулоқ майдонида нефть кони борлигига қатъий ишонч ҳосил қилган геолог-олимларимиздан Акром Хўжаев, Пўлат Азимов, Ақром Ҳожиматов ва бошқалар Москвадаги вазирликлар

Мингбулоқнинг нефть булоқлари ЯНА "Кўз очди"

олдига Мингбулоқ майдонида қидирув скважиналарини пармалаш ишларини бошлаш масаласини кўйдилар ва унга рухсат олдилар. Ниҳоят, 1971 йилнинг январь ойида 1-скважина пармалаш бошланди. Уни пармалаш тўрт ярим йил давом этиб, катта қийинчиликлар билан 5405 метр чуқурликкача етиб борилди. Афсуски, бу скважина шикастланиб, пармалаш ишлари тўхтатиб қўйилди. Мўлжалланган қатламларгача етиб борилмади. 1977 йилга келиб 2-скважина пармалана бошланди. Унинг чуқурлиги 5100 метрга етганда эса, геологик сабабларга кўра, пармалаш ишлари тўхтатилди. Шундан кейин геологик тадқиқотлар қилинганда, бу скважина шикастланиб, пармалаш ишлари тўхтатиб қўйилди. Мўлжалланган қатламларгача етиб борилмади. 1977 йилга келиб 2-скважина пармалана бошланди. Унинг чуқурлиги 5100 метрга етганда эса, геологик сабабларга кўра, пармалаш ишлари тўхтатилди. Шундан кейин геологик тадқиқотлар қилинганда, бу скважина шикастланиб, пармалаш ишлари тўхтатиб қўйилди.

чидан, майдон геологик тузилишининг яхши ўрганилмаганлиги, учинчидан, лойиҳада нуқсонларга йўл қўйилганлиги бундай муваффақиятсизликларга сабаб бўлган эди." Маълумотларга кўра, Мингбулоқ конини очиш учун уринишлар тўхтамаган. 1992 йилнинг 2 март куни бургулаш қудуғининг чуқурлиги 5237 метрга етганда нефть оқиб чиқа бошлаган. "Оғзига ўрнатилган 700 атмосфера босимга мўлжалланган превентор ёпилганда, босим зўрлигинда ёрилиб кетди. Шундан кейин мисли кўрилмаган нефть фонтани юз берди. Аммо барча ҳаракатлар омадсизлик билан якунланди", дея эслайди Акбар Раҳимов. Гарчи шундай бўлса-да, бу ҳудудда нефть конини топиш ишлари ташлаб қўйилмади. Ўтган йиллар мобай-




нида тинимсиз экспедиция ва бургулаш ишлари олиб борилди.

Орадан йиллар ўтиб, ижтимоий тармоқларда Мингбулоқ туманида яна йирик нефть кони топилганлиги ҳақида хабарлар тарқалди. Маълумотларга кўра, ҳақиқатан геология-қидирув мутахассислари томонидан "Мингбулоқ" нефть кони ҳудудида ернинг 6 минг метр чуқурлигида катта ҳажмдаги нефть кони борлиги аниқланган. Ушбу конда Ўзбекистон ва Хитой давлатининг етакчи мутахассислари томонидан қазилма ишлари жадаллик билан олиб борилди. Олиб борилган бургулаш ишлари ижобий яқун топди. Жорий йилнинг 6 май куни илк "қора олтин" синов тариқасида қазиб олинган. Лойиҳа "Ўзбекнефтегаз" акциядорлик жамияти, "Мингбулоқнефть" қўшма корхонаси" маъсулияти чекланган жамияти ва Хитой миллий нефть-газ корпорацияси – CNPC томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу кондан 1,5 миллион тонна нефть қазиб олиш кўзда тутилган.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ, Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, "Qishloq hayoti" мухбирлари.

Мутахассис маслаҳати

Ғўза парваришидаги муҳим тадбирлардан бири яғана ҳисобланади. Ушбу агротехник тадбирда, аввало, униб чиққан ниҳолларнинг мақбул меъёрида бўлишига эришиш лозим. Аммо сўнги йилларда айрим фермер хўжаликлариде ғўза ниҳолларини қалин қолдириш ҳолатлари учраб турибди. Улар бу ҳолатни кўчат қалин бўлса, ғўза тупларида кўсақлар камроқ бўлади ва тез очилади, натижада йиғимтерим қисқа вақтда тамомланади, дея изоҳлашади.



ҒўЗА МАЙДОНЛАРИДА МАҚБУЛ КЎЧАТ МЕЪЁРИНИ ЯРАТИШ

Бу борада ўтказилган илмий-тажрибалиқ эса шунки кўрсатадики, кўчатлар меъёрдан кўп бўлса, ҳақиқатан ҳам асосий поя, ҳосил шохлари ва элементлари камаяди, биринчи ҳосил шохки анча юқоридан қилинади. Аммо, ғўзанинг гуллаш ва кўсақларнинг очилиш суръати сустаяди. Илмий ҳулосага кўра, далада ғўза туплари меъёрдан ортқча бўлса, яъни, ғўза тупларининг 15 фоизигача қисми мутлақо кўсақ тугмаган, шунча миқдордаги тупда эса 1-3 тагача кўсақ бўлган. Деҳқонлар таъбири билан айтганда, ҳосил бермаган ғўза бегона ўт билан баробар. Яъни, бегона ўт ғўзанинг ривожига қандай зарар берса, ҳосил бермаган ғўза ҳам шундай шикаст етказиши.

Ғўзанинг физиологияси шундай: ўсимликнинг қуйи ва ўрта қисмига кун бўйи узлуқсиз куёш нури тушиб туриши, қатор ораларидан ҳаво яхши айланishi лозим. Шундангина у мўл ва эрта ҳосил беради. Фотосинтез жараёнида ғўзанинг барги орқали озикланиши унинг илдизидан озикланишига нисбатан 15 баробар юқоридир.

Тажрибалиқ шунки кўрсатадики, ёруғлик таъминотининг озгина бўлса-да ёмонлашиши ғўзанинг ҳосил элементларини кўплаб тўжиб юборишига сабаб бўлар экан. Ушбу ўсимлик 5 соатдан 12 соатгача минерал моддалардан тортиб қўйилса ҳам ҳосил элементлари тўқилмайди. Аммо, қисқа муддатга ёруғликдан маҳрум қилинса

улар тўқилиб кетади. Чунки бу шароитда ғўзага фотосинтез маҳсулотлари, жумладан, шакар етишмай қолади. Айни шу жиҳатларга йўл қўймаслик учун ҳам далада ғўзаларнинг мутаносиб қалинлигини ва уларнинг тўғри жойлашишини таъминлаш зарур. Ҳатто бир туп ғўзанинг ўзида ҳам барглрар сон ортиб кетса, улар бир-бирига соя солиб қўяди. Натижада, сояда қолган барг зарур моддаларни тайёрловчи эмас, балки уларни ўзлаштирувчига айланади. Ҳозирги вақтда чигит асосан кенг 90 см. ва тор 60 см. қилиб, қаторлаб ёки кетма-кет уяларга аниқ миқдорда ташлаб кетиш усулида экилади. Чигит аниқ миқдорда уялаб экилганда ғўзани яганалашга ҳожат бўлмаслиги лозим.

Яганалаш тадбири асосан қаторлаб экилган майдонларда ўтказилади. Бунда бир уяда бир ниҳол қолдириб кетилади. Бу ғўзанинг яхши ривожланиб, яхши ҳосил тўплаши ва кўсақларнинг бир текис очилишига яратилган илк имкониятлардандир.

Яғана ўтказишнинг энг мақбул даври ғўза ниҳоллари 1-2 чинбарг чиқарган пайти бўлиб, бир йўла ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу тадбирда бақувват ва соғлом ниҳоллар яқна қолдирилиб, заифлари олиб ташланади. Агар ғўза 3-4 чинбарг чиқарганда ушбу тадбир амалга оширилса, ҳосилдорлик 2-3 ц/га, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса

4-5 ц/га камаяди. Чунки ниҳолларнинг илдизлари бир-бири билан бирижиб кетгани сабабли ошққаси олинганда, қолган ниҳолларнинг илдизларига шикаст етади. Бу эса ғўза ривожининг кечикишига олиб келади.

Ер ости сувлари чуқур ва ер юзига яқин жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқларда, яъни, ғўза кучли ўсадиган пайкалларда 80-85 минг (қатор ораллиги 90 см. кенлигида экилган ерларнинг ҳар метрида 6-7, 60 см. - 5-6) туп, унумдорлиги ўртача бўлган ерларда 100-110 минг туп ниҳол қолдирилиши керак. Унумдорлиги паст, қумоқ ёки шағал ва қум қатлами ер бетига яқин жойлашган майдонларда эса гектарига 120-130 минг туп кўчат қолдирилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки сизот сувлари сатҳи яқин бўлган ўтлоқи тупроқли ерларда 90-100 ва 110-120 минг, сизот сувлари чуқур жойлашган типик ва оч тусли бўз тупроқларда, шунингдек, шўрланган ерларда 120-130 минг, кам қувват ерларда гектарига 130-140 минг туп кўчат қолдириш мақбул бўлади.

Албатта, ҳар бир тадбирни ўз вақтида, кўнгилдагидек ўтказиш мўл ҳосилга пухта замин қўйиш демакдир. Шундай экан, фермерлар ғўза яганасини ўтказишга ҳам эътиборли бўлишлари зарур.

Ренат НАЗАРОВ, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

Сирдарё вилояти

Қадимда балиқ урчийдиган мавсумда хаттоқи, карвонлар ҳам кўнғирок чалмасдан ҳаракатланган экан. Афсуски, айрим учар овчилар ўзидан бошқа ҳеч нарсани ўйлашмайди. Натижаси эса жавобгарлик билан яқун топади.

Бу пайтда карвонлар кўнғирок ҳам тинган

Маълумки, балиқлар урчиб, кўпаядиган мавсумда балиқ овлаш таъқиқланади. Аммо ўрганган кўнғил ўртанса кўймас, деганларидек, Сайхунобод тумани "Ғалаба" сув истеъмолчилари уюшмасида яшовчи ҳуқуқбузарлар Нуриддин Ҳайитбоев, Неъматжон Ғаниев, Баҳриддин Норматов ва Саиджон Ғаниевлар ов қонунларига бўйсунмай, туманининг "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини Учқун маҳалласи ҳудудида оқиб ўтувчи "Шўрўзақ" номли коллектордан шу йилнинг 29 апрель куни тонгда балиқ овлаб, шахсий автомобилида қочмоқчи бўлганида Сайхунобод тумани 7-сонли ИИБ бошлиғи, милиция майори Зоҳид Гаипов, Сайхунобод тумани экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекторлари Орифжон Сариев, Мирсаид Сувонқулов, Омон Мирзаев ва Беҳзод Бекмуродовлар томонидан қўлга олинди.

Қонунбузарлардан таъқиқланган ов қуроллари, аккумулятор, электрқармоқ, ёритиш мосламаси, резина қайиқ ва бошқа буюмлар далилий ашё сифатида олинди.

Табиатга етказилган зарар бўйича ҳуқуқбузарлар ишини судга ошириш чоралари кўрилди, – дейди вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг бўлим бошлиғи Жамшид Хошимов. – Улар бу қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар. Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЎЭълонлар

Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 28 мартдаги 401-сонли буюртманомасига асосан куйидаги кўчмас мулк такроран куйилмоқда:



Тошкент вилояти, Бўка туманида жойлашган, умумий майдони 4498 кв.метр, қурилиш ости майдони 1238,4 кв.метр, 2 та литердан иборат, 2 қаватли "Бўка деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 4 810 420 865 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 28 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 28 май куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 31 май, 3 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргалликда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ

такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 8 майдаги 527-сонли буюртманомасига асосан куйидаги мулклар чиқарилган:



1. Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқул туманида жойлашган "Қонлиқул деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 17000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 2619,6 кв.метр, 5 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 4 152 364 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 20 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 20 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2019 йил 23, 27 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргалликда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел.: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru. Лицензия RR-0001.



Устоз Абдулла Ориповнинг навбатдаги жилдligини нашрга тайёрлаш, кейинги пайтларда ёзилган шеърларини тартиб билан жойлаштириш масаласидаги муҳокама муҳокамадан кўра баҳса яқин бўлган эди. Жилднинг "Сўзбоши" сизга келганда вазият янада кескинлашди. Машҳур танқидчилар бир-бир тилга олди. Келганимиздан бери мунозарага аралашмай соғлиғи сабабларига кўра сўри четидаги лўлаболишга ёнбошлаб, "жанг"ни кузатиб тинчгина ўтирган устоз секин томоқ қирди:

Синчи

— Улар танқидчи дейилмаслиги керак. Ўз номини ўзи билан адабий синчи, улар. "Танқидчилик" дегани ўрисчадан кўр-кўро-на таржима. Сўз заргарларининг маҳсулотларини маҳактош бўлиб аниқлашлари керак, улар...

Шу кунини "Сўзбоши" соҳибини — синчи масаласи ҳал бўлмади. Бир неча кундан сўнг Устоз даволаниш учун уммон ортига жўнаб кетдилар. Мен деярли ҳар тун у кишидан кўнгирак кутадиган бўлдим.

— Ҳалиги, сочи билан мўйловини қоп-қора синчи бор-ку, ўшанинг миёси бутун — деб сўз бошлади устоз илк кўнгирак қилганидаёқ. Абдулла ака ўша сўхбатда Қозоқбой Йўлдошни жуда келиштириб мактади. Анча-мунча мақолаларини кузатиб юрган экан. Китоби тўғрисида гап очсам, ундан ҳам хабардор чиқди. "Зомин сўзлиги"ни мисол қилиб, қилчоқ-қўнгирот лажжасида гап-сўзлар, айтимлар, урф-одатлар, айниқса, чорвадор — элибой ўзбек турмуш тарзи билан боғлиқ тутум ва атамаларини ҳам жамлаш жуда зарурлигини айтиб, шу вазифани менга юклаган ҳам бўлди.

Мен ҳам у кишига ҳар-ҳар замон "кўштаким" бўлиб турдим. Ҳатто, ўзига хос илгамлари билан ўқирман тугул адибларнинг ўзи ҳам назарда тутмаган, хаёлларига ҳам келмаган ҳодисаларни Қозоқбой ака кўра олиши, келиштириб талқин қилиши ҳақида ҳазил гап ҳам қилдим. Ўша кўнгирак "Сўзбоши" муаллифини деярли белгилади. Тонг отишини сабрсизлик билан кутдим.

— Эшитаман, — деган майин овозга — Эшитинг, — дедим, саломдан кейин. — Абдулла аканинг Америкадаги қўл телефон рақамларини ёзиб олинг...

Устоз менга, ҳеч кимга гапириб юрма, деган гапини Қозоқбой аканинг ўзига ҳам тўлиқ айтибди. Менинг суюнчи олишимга ҳоҳат қолмаган экан.

... Илгари бу Қозоқбой Қашқирли деган олим ҳақида оз-моз билардим, аммо ўзини кўрмаган эдим. Тўрт-беш йил бурун "Қадимий кўшиқ" номли тўпламимга бошқаларга ўхшамаган сезим билан муносабат билдиргандан кейин беихтиёр ушбу шахсни қидира бошладим. Бизнинг шева сўзларимиз ва удумларимизни бу

қадар чуқур билгич одамни негадир кўргим, сўхбатлашгим келаверди. Орадан ойлар ўтди. Тасодифни қарангич, қайси бир йиғилишим, мажлисдан кейин, айнан шу кишини уйига ташлаб қўйишга тўғри келди. Кўлик эгаси ва ундаги ҳамроҳларим ҳуқуқшунослар эди. Соат туняримга яқинлашаётган бир пайтда "Шунча жойга овера бўлиб олиб келдинглар, энди бизнинг кулбага ҳам бирров кириб, бир пиёла чай ичиб кетасизлар", — деб қолди у. "Таклифимни шунчаки манзират деб ўйламанглар тагин, — деб лутф ҳам қилди Қозоқбой ака.

Уйига кирдик. Ёзув столининг устидаги тартибсиз тўғриб ётган варақларини йиғиштирдим. Шерикларимнинг эса бир чой қайнаш вақтигача кутарга тоқати йўқ экан. Гурунқ қисқа бўлди. Менинг хаёлимни тортган нарсаларнинг гурунқи бўлмади. Буткул бошқа нарсаси...

Икки хонали уйнинг полидан то шифтигача махсус "тўртлик ёғоч"дан ясалган тоқчаларга териб ташланган китоблар орасида бир пиёла, ёхуд бир шиша синкүлик ҳам жой йўқдай эди. Катта-кичик ҳажмидаги китоб-журналларнинг ададини фақат Худо билади. Қозоқбой ака бу ерда қандай ётиб туради, қандай дам олади, қандай тартибчилик қилади буни ҳам Худо билади...

Бешинчи синфда ўқийдиган пайтларим "Саксоннинг сойи" деб аталадиган санглоқдан катта бир сел келиб, мактабимизнинг ярмини олиб кетди. Уйимиз мактабнинг ёнидаги газода, беҳавотирроқ жойда бўлганлигиданми, ё онам шу мактабда ишлаганлиги сабабми мактаб кутубхонасидаги ҳамма китоб бизникига ташиб келтирилган, ўшанда. Икки хонали уйимизнинг бир хонасига ердан то вассасига китоб териб чиқилди. Мен эса уларни ўқишга киришдим.

Бир кун катта энам уйимизга бахшини

бошлаб келди. У пайтлар шоирни бахши дейишмасди. Бахши — боқич, уриб-чўзиб касални эмлагич, чироқ ёқиб қушочлик ҳам қилиб кетаверадиган киши бўлгич эди. Ўша кунлари тез-тез ҳушимдан кетиб қоладиган касалга йўлиққан эдим.

— Бунингни пари чалган, — деди бахши, китоби кўп хонада ухлამасин, катта китобларни ўқимасин, эҳтиёт бўлинглар, — деди "муолажаси"ни қилгач...

Илкис Қозоқбой акага қарардим. Кўзимга у кишининг аҳоли ҳам худди пари чалган боланиқидай кўринди. Сўнграқ, ёзган мақолаларини ҳижжалаб, синчилаб ўқиб юрдим. Гап-гурунқларига аллоҳида эътибор берардим. Аниқ, "шу касаллик" нуқси бор... Соғ одам керакли-кераксиз сўзларини битталаб, авайлаб териб юраримиди. Улардан қалин бир китоб юзига келтираримиди? Шундай замонда-я? Ўзи билан бирга ўқиган сабоқдошлари, ошналари не-не супермаркетлар куриб, монофирмалар очиб, Оқ денгиз-Қора денгиз қилиб юрган бир пайтда кўна битикларни титқилаб "Шеър ўқинглар, шеър деган ҳилқат барча лаззатлардан-да ҳузурлироқ" деб қулоқсиз одамларга "касалиқ юқтириб" юраримиди.

Ўзи бу одам фирт жайдади. Унинг ўзи айтганидай элибой ўзбек зурёдини асраш учун андигина туғилган боласига ёмон сўзлардан, сўқли кўзлардан нари юрсин деб эҳтиёт шарт оҳанжамали от қўймайди. Улғайиб одам бўлгач, ўзига мос отини ўзи топиб олсин, дейди. У боласини даштнинг бўрисидай йигит бўлишини хоҳлайди. Бўри, яъни қашқир нафсига сира қул бўлмайди, очлигини, чарчоғини, жони оршини бировларга билдирмайди. Қўлга ўрганмайди, элиқмайди. Негаки, унда ҳамият кучли, ор-номус устувор. Элибойлар қўй этини яхши кўради, аммо қўймижозларни хушламайди.

Хол Муҳаммад ҲАСАН, шоир.

(Боши 1-саҳифада)

МАССАГЕТ, САРМАТЛАРИНИНГ ҚАБРЛАРИ ВА ҚАДИМИЙ МАЁҚ

Устюрт пасттексислиги доимо одамлар билан гавжум бўлган. Ҳозирда пасттексисликда мингдан ортиқ турли даврларга тегишли бўлган қабрлар, маёқ ва неолит даврига тегишли 60 та тураргоҳ қолдиқларини кўрамыз. Кўҳна Ипак йўли ҳам айнан шу ердан ўтган. Устюртда Белиули карвонсаройининг аркаси, деворлари 4 м. баландликка бўлган "Олон" қалъа қолдиқларини ҳам кўриш мумкин. 1983 йилда Фарбий Устюртга уюштирилган экспедиция жараёнида Байте қадимий мажмуа номи олан ёдгорликлар топилган. Улар асосан даҳо-массагетларнинг қабрлари бўлиб, 30 фозицига ўрганилган. Ҳануз тилдан тилга кўчиб юрвчи афсоналарда бу ерларда ҳаёт кечирган қабилалар, уларнинг қаҳрамонларча ўз она тупроқларини душмандан ҳимоя қилганликлари ҳикоя қилинади. Ана шулардан бири Қумар оналиқ афсонасидир...

...Қумар оналиқ ўғли Эр-назарбий ва унинг хотинини жангга кузатар экан, омон қайтишини тилаб, аждодлар руҳини қўллаб-қувватлашга қақирди. Аммо жанг бирдан ниға тугади, чунки унинг яқин дўсти Эрназарбайга орқадан туриб ўқ узган эди. Сардорларнинг отдан кулаганини



кўрган жангчилар саросимага тушишди ва бироздан сўнг душман уларни маҳв этди. Душман хони Қумар оналиқнинг гўзаллигини, донолигини эшитган эди. Ўзининг олдида юзига тик қараб турган, сочларига оқ оралаб, кўзлари, пешонасига ҳаёт чизик тортган бу аёлнинг юзига тикилар экан, уни мот қилмоқчи бўлди:

— Ўғлинг Эрназарбай афсус жангда галаба қозона олмади, аммо мен сизнинг жасурилингиз, гўзаллигингиз ҳақида кўп эшитган эким. Ҳақиқатан ҳам гўзал экансиз, аммо сизни доно ҳам дейишади. Шу сабабли сизга жуда ҳам ёқадиган бир совға қилмоқчиман.

Хоннинг имоси билан мулозимлар усти зарҳал нақшли шойи рўмол ёпиқни идишни олиб келишди. Хон рўмолни олиб, идишни Қумар оналиқ олдига сурди. Она тош қаби қотган юрчи

бир тўлқинлансада, охи ташқарига чиқмади. Идишда ўғлининг пиширилган боши ётарди. Аёл бошидан рўмолини ечиб, авайлаб унга ўғлининг бошини ўрадида, бўйнидаги таспан уруғидан қилинган маржонни қумуш идишга ташлаб, хонга қаради.

— Тўғри айтдингиз, бу совға мен учун жуда қадрлидир.

Аёл бошини тик тутганича хон олдида чиқиб кетди. Айтишларича кейин уни ҳеч ким кўрмаган, аммо ҳамон тунлари Устюрт узра эсан шамол ҳалок бўлган фарзанди дардида куйиб йиғлаётган она оҳини узоқ узоққа ёяр экан...

— Мазкур қабрлар эра-миздан аввалги IV-III асрларга тегишли, улардаги турли хил белгилар айнан қабрдаги одам қайси қабилага тегишли эканлигини билдиради, — деди археолог О.Дуспанов. — Ҳозирги кунга келиб мазкур қабила-ларни билдирувчи 180 дан ортиқ белгилар тўпланган. Устюрт доимо одамларнинг яшаш жойи бўлган. Одамлар доимо денгиз ортидан кетишган. Ҳаттоки, ўз худудларини тошдан қилинган кичик деворлар билан ўраб белгилашган, кўриб турганингиздек, мазкур девор қолдиқлари ҳануз сақланиб қолган. Бундан ташқари, верталётдан қараганда Устюртда гаройиб суратларини кўриш мумкин. Суратлар ўқ шаклида бўлиб, Бейнеу ва Сай-Утес кўргонлари ўртасида жойлашган. Аммо бу суратлар кимга тегишли эканлиги номаълум. Айтиш жоизки, бундай суратлар Перудайи Наска водийсида ҳам топилган. Устюртдаги мазкур суратларнинг пайдо бўлиши хусусида кўплаб таҳминлар мавжуд. Улардан бири қадимда молларнинг қуръалари ёки ирригация қурилма-лар бўлиши мумкинлигидир.

Устюрт платосида эътиборимизни тортган яна бир тарихий ёдгорлик — бу қадимий маёқ қолдиқларидир. Маёқ 5-6 асрларда қурилган бўлиб, денгизга балик овлагани кетган кемаларга йўл кўрсатиб турган. Унинг бугунги кунгача сақланиб қолган қолдиқлари ҳануз улугворлигини сақлаб, аллоҳичон Оролқумга айланган денгиз тўбиде адашганларни чорлайди гўё.

(Давоми бор)

Наргис ҚОСИМОВА, журналист.

Реклама

UzAuto TRAILER **YANGI OLAM QURUVCHI TEXNIKA** **KAMAZ**
 СДЕЛАНО В УЗБЕКИСТАНЕ

(+998 90) 370-14-00
 (+998 97) 447-88-39

ТЕХНИКА – СТРОЯЩАЯ НОВЫЙ МИР

www.uzautotrailer.uz "1-son Avtokorxonasi" MChJ xizmat ko'rsatadi

Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

"Средазцветметэнерго" АК диққатига!

"Средазцветметэнерго" АК Кузатув кенгаши акциядорларининг умумий йиғилиши 2019 йил 7 июнда соат 10:00 да Тошкент ш. Кўкча дарвоза кўчаси 314-уй манзилида бўлиб ўтишини маълум қилади. Рўйхатга олиш соат 8:00 да. Йиғилиш материаллари билан юқорида курсатилган манзилда ёки energomet.uz сайти орқали танишиш мумкин. Маълумот учун тел: 249-40-49, 242-34-32. Йиғилишни ўтказишни эълон қилиш учун ҳамият акциядорлари реестрини шакллантириш санаси — 2019 йил 7 май. Йиғилишга қатнашиш учун ҳамият акциядорларини реестрини шакллантириш санаси — 2019 йил 31 май.

Ёш авлод учун муносиб туҳфа

(Боши 1-саҳифада)

"Обод қишлоқ" дастури доирасида 3 та, "Обод марказ" лойиҳаси бўйича эса 5 та боғча янгидан бунёд этилади. Шунингдек, 9 та хусусий, 60 та оилавий боғча фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида йил якунига қадар туманимизда мактабгача таълим муассасаларига болалар қамрови 60 фоизга етказилади.

Эндиликда туманнинг "Хафориён" маҳалла фуқаролар йиғини болажонлари ҳам маҳалласида бунёд этилган замонавий мактабгача таълим муассасасига қатнайдиган бўлди.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан бунёд этилган 29-сонли "Марварид" давлат мактабгача таълим муассасаси

ҳам 60 ўринга мўлжалланган. Анча йиллар олдин кўримсизгина бўлган боғча, қишлоқ врачлик пункти ҳамда маҳалла идораси сифатида фойдаланилган эски бино ўрнида янгидан қад ростлаган кўркам муассаса бугун қишлоқ кичкинтойларини ўз бағрига чорлади.

— Муассасамизда машгулотлар 2 та гуруҳда олиб борилади, — дейди муассаса мудири Гулруҳ Мирзоева. — Болажонларнинг муносиб таълим ва тарбия олиши учун 10 нафар тажрибали педагогга жалб этдик. "Илк қадам" ўқув дастури асосидаги таълим ва тарбия жараёнлари кичкинтойларга манзур бўлади.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Реклама

PLANETA SERVIS **ТРАКТОРВОР.UZ**
 «МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
 Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

ТОГЛАР **МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф (Б) Бульдозер
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Турли моделдаги шиналар
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2

Махсулотлар сертификатланган.
 Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссияси "Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти" МЧЖ директори вазифасини бажарувчи Зарип Пулатовга падари бузруквори

Аслам отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тарихидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ
 ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадҷон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сўҳроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Маъсул котиб).
 Телефонлар: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 236-26-47, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Иқтисомий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.
 Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
 web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги мухбирлар:
 Қорағалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04
 Андижон — (+99893) 630-73-03
 Бухоро — (+99891) 401-29-59
 Жиззах — (+99893) 940-10-78
 Навоий — (+99891) 332-50-99
 Наманган — (+99893) 948-53-86
 Фарғона — (+99890) 407-78-03
 Самарқанд — (+99897) 575-50-67
 Сирдарё — (+99894) 168-23-60
 Сурхондарё — (+99890) 520-20-05
 Тошкент — (+99890) 976-39-58
 Хоразм — (+99897) 790-47-61
 Қашқадарё — (+99897) 290-28-88

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
 Буюртма Г-525, ҳамми 2 босма табоқ
 Офсет усулида босилди, қроғоз бичими А-2.
 Манзиллими: 100000. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Газета тахририятининг ўзиде компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.
 6 265 нускада чоп этилди.
 НАШР ИНДЕКСИ — 144
 Босишга топшириш вақти: 21.00
 Босишга топширилди: 02.45

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир: А ҲАҚБЕРДИЕВ